

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ кафедраси

# Реферат

*Мавзу: “Шимолий Қозоғистон сургундаги юртдошлар  
қисмати ” китобини шарҳлаш*

**Бажарди:**

3 “В” гуруҳ талабаси **Дадабоева Дилшода**

**Қабул қилди:**

проф. **Р.Т.Шамсутдинов**

Андижон - 2013

## **Р Е Ж А :**

### **К И Р И Ш**

- 1. Асарда масаланинг эскича ва янгича талқинининг баён қилиниши**
- 2. Ўрта Осиёдан Қозоғистонга сургун қилинган қулоқлар масаласининг талқини**
- 3. Махсус посёлкалардаги Ўрта Осиёлик собиқ қулоқлар турмуши ва меҳнат фаолияти ҳақидаги мушоҳадаларнинг асарда акс эттирилиши.**

### **ХУЛОСА**

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## К И Р И Ш

Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, беғуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш, биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эди”<sup>1</sup>, - деб кўрсатди.

Яқин ўтмишимизнинг ўрганилмаган, ёпиқ саҳифалари бўлмиш 20-30 – йилларда советларнинг Ўрта Осиёда зўрлик билан ўтказган коллективлаштириш ва у билан боғлиқ деҳқонларни қулоққа тортиш, бутун борлиғидан маҳрум этиб узоқ, беғона юртларга сургун қилиш сиёсатларининг мазмун моҳиятини илмий асосда тўлақонли очиб бериш учун барча шароит ва имкониятлар яратилди.

Бу мавзу совет мустамлакачилиги даврида ёпиқ ҳисобланди, унинг очиқ мавзуга айланишини буюк истиқлолимиз бошлаб берди. Натижада бу мавзуда монографиялар, ҳужжатли тўпламлар, ҳатто диссертациялар юзага келди.

2009 йилда ушбу изларнинг узвий давоми ва тўлдирувчиси сифатида Р.Шамсутдимнов ҳамда М.Акбарованинг “Шимолий Қозоғистон гургунидаги юртдошлар қисмати” номли монографик тадқиқоти нашрдан чиқди.

Ушбу монография “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси томонидан Қозоғистоннинг Остона, Шортандин, Кокчатов, Акмола каби ҳудудларига амалга оширилган навбатдаги илмий сафар “меваси” десак, хато бўлмайди.

Ушбу монографиянинг биринчи бобида муаллифлар масалага эскича ва янгича қарашларни, унинг шўро ва мустақиллик даври тарихшунослигида ўрганилишини қиёслаб, танқидий таҳлил қилганлар. Мавзунинг шўро ва мустақиллик даври тарихшунослигида ўрганилиши академик Р.Х.Аминова номи билан боғлиқлигини, энг муҳими, олима коллективлаштириш ва қулоқлаштириш тарихининг сохталаштирилган талқинидан бутунлай воз кечиб, янгича методология, мустақиллик руҳида ўрганишнинг истиқболли йўналишларини кўрсатиб берганлигини муаллифлар холис баҳолайдилар. Масаланинг бундай тўғри қўйилиши, бу муаммо совет ҳукумати даврида алоҳида тадқиқ этилмаганлиги, этилса-да сохталаштирилган ва бузиб кўрсатилганини исботлаб, Иттифок тарқалгач, бу масалага бошқача ёндашилгани, эндиликда яратилаётган асарларда янгича

---

<sup>1</sup> И.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 98 б.

рух, янгича қараш, илмийлик, холисийлик, тарихийлик ва миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан ёндашиш кучайганлиги акс эттирилган.

Китобнинг иккинчи ва учинчи боблари коллективлаштириш ва қулоқлаштириш жараёнларининг бутун даҳшатини очиб бериш мақсадига қаратилган. Бу кампанияни амалга оширишда деҳқонларни сайлов ҳукукидан маҳрум қилиш сиёсати кенг қўлланилгани, қулоқ қилиниши лозим бўлганлар тўғрисида хуфёна материаллар тўплаш ишлари кенг йўлга қўйилгани, табиийки, бунда адолат ва ҳақиқат тамойиллари, инсон ҳуқуқлари поймол этилгани далиллар асосида кўрсатиб берилган.

Ушбу китобда нафақат республикамизда яратилган асарлар, балки Россия, Қозоғистон, ҳатто чет элларда нашр қилинган тадқиқотлар ҳам илмий таҳлил қилинган.

Қозоғистонга сургун қилиш ҳали қулоқларни синф сифатида тугатишга киришилмаган, ёппасига коллективлаштириш йўлига ўтилмаган вақтлардаёқ – 1926-1927 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти даврида бошланиб, 1945 йилгача давом этгани далиллар асосида кўрсатилган. Муаллифлар бу жараённинг уч босқичда ўтгани, биринчи босқич 1927-1932 йилларни, иккинчи босқич 1933-1941 йилларни, учинчи босқич 1941-1945 йилларни ўз ичига олганлигини, босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга эканлигини қайд этадилар.

Сургун азобини чекаётган юртдошларимизнинг 1937-1938 йилларда такроран қатағон қилиниши, оилаларига азоб-уқубатлар ёғдирилиши, уларнинг турмуши, меҳнат посёлкаларидаги фожеали аҳволларининг баён қилиниши, айниқса, ҳибсхоналардаги маҳбус аёлларнинг оғир меҳнатга тортилишини акс эттиришда муаллифлардан юксак ирода ва матонат талаб қилинганлигига исбот керакмас.

АЛЖИРдаги ҳаёт – таҳқирланган ва хўрланган аёллар, чинқираган гўдаклар, буларнинг орасида юртдошларимизнинг борлиги, совет ҳукумати ва ГПУчиларнинг қабих, разил, чеку-чегарасиз бўлган зўравонлик сиёсатини олиб борганлигидан далолатдир.

Асарда келтирилган маълумотларда, меҳнат кўчиндиларининг Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабага қўшган мардона ҳиссалари, айниқса уларнинг орден ва медаллар билан тақдирланганлиги, бизни ана шундай мард, фидойи инсонларнинг авлодлари эканлигимиздан ғурурлантиради.

Ва ниҳоят сургун азобидан қутилиб, ўз она-юртлари, болалари, аҳли аёллари бағрига қайтиш жараёни ҳам илмий асосланган ҳолда акс эттирилган.

## 1. Асарда масаланинг эскича ва янгича талқинининг баён қилиниши

Асарда мазкур масаланинг тарихшунослиги икки босқичда, яъни совет тарихшунослиги, истиқлол арафаси ва мустақиллик давридаги тарихшунослик таҳлилида талқин қилинган.

“Бу ҳар икки босқичдаги тарихшунослик мустақиллик йилларида маълум даражада таҳлил қилиб берилган<sup>1</sup>. Бу мавзунинг совет давридаги ва мустақиллик йилларидаги тарихшунослигининг айрим соҳалари Ўрта Осиё регионидида аграр ўзгаришлар тарихининг йирик мутахассиси, академик Р.Х.Аминова номи билан боғлиқдир. Олиманинг бу асарлари ўзбек тарихшунослигига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Академик Р.Х.Аминова коллективлаштириш ва қулоқ қилиш тарихининг аввалги марксча-ленинча, Комфирқача, нотўғри, сохталаштирган талқиндан бутунлай воз кечиб янгича методология, мустақиллик руҳида ўрганишнинг истиқболли йўналишларини кўрсатиб берди.”<sup>2</sup> У ўз асари ва мақолалари билан совет даврида коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш масалалари тамомила сохталаштирилгани, бузилгани, бу мавзудаги адабиётлар, диссертациялар, мақолалар ўша мустабид замон, қаттол давр руҳида ёзилганини, тарихда ҳам адолатсизлик ҳукмрон бўлганини катта илмий жасорат, илмий диёнат, камтарлик намоиш этиб тан олиб, ўзи ва бошқа тарихчиларни бу борадаги хато ва нуқсонларини тузатишга катта куч сарфлади.

Қизил империя ҳукмронлиги даврида “қулоқ”, “муштумзўр”, “қишлоқ буржуазияси”, “аксиланкилобчилар”, “халқ душманлари”, “колхоз душманлари”, “ёт унсурлар”, “капиталистик унсурлар”, “энг сўнгги эксплуататорлар”, “буржуа миллатчилар” каби турфа номлар билан аталиб келинган миллий қишлоқларимиздаги деҳқонлар оммасига қарши расман геноцид қўлланилган эди. Тарихимизнинг бундай аламли, ачинарли, армонли саҳифасини, ҳақиқий аҳволни, шу ҳақиқатни айтишни, ёзишни имкони бўлмаганди. Бундай чин тарихни яратиш Комфирқа ва советлар учун керак эмасди. Аксинча, режим тарихни сохталаштиришни, бузишни истарди, имкон қадар ўзининг халққа қарши қаратилган сиёсати, амалиётини халқдан яширишга ёки уни сохталаштириб мақташга, реклама қилиб тарғиб этишга уринганди. Шу боис бу даврда яратилган тарихий

<sup>1</sup> Шамсутдинов Рустамбек. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.:Шарқ, 2001. –Б. 3-54; Ўша муаллиф. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2003. –Б. 8-23; Шамсутдинов Рустамбек, Мамажонов Алишер. Шимолий Кавказ сурғунидаги юртдошлар қисмати. –Т.: Шарқ, 2005. –Б. 20-58; Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг қулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1925-1945 йиллар). фан. номзод. Дисс. Автореферати. -Тошкент, 2002.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати. – Тошкент6 Шарқ, 2009.

адабиётларда коллективлаштириш ва у билан боғлиқ барча тадбирлар, унинг оқибатлари бошдан оёқ Комфирка, социализм, марксизм-ленинизм руҳида эди. Тадқиқотчилар замона зайли, ҳукмрон тузум ва унинг мафкуравий, ғоявий, сиёсий босими, тазийқи билан Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги, умуман СССРдаги аграр ўзгаришларни, коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш жараёни ва моҳиятини тўла очиб бера олмаганлар, манбаларга танқидий ёндаша билмаганлар, воқеликни чинакам акс эттирувчи ҳужжатлар махфийлик тамғаси билан пўлат сандиқларда сақланаётгани туфайли улардан фойдаланиш имконига эга бўлмаганлар, ҳақиқий далилларни четлаб ўтганлар, ҳама нарсани ижобий баҳолаганлар, салбий, фожеали жиҳатларни атайин тушириб қолдирганлар.

Бу фожеа ва унинг тарихи совет тарихшунослигида синфийлик, партиявийлик, байналминаллик нуқтаи назаридан туриб сохталаштирилди, бузилди, нашр этилган асарларда, ҳимоя қилинган диссертация ишларида ва улардаги ясама, тўқима, ёлғон фикрлар ўша мустабид совет режимини ҳимоялашга, уни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилишга хизмат қилди. Совет тузуми даврида нашр этилган жамийки адабиёт, ҳоҳ тарихий, ҳоҳ бадий бўлсин, шунингдек кўплаб мақолаларда ва номзодлик, докторлик диссертацияларида Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти, оммавий коллективлаштириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ барча тадбирлар, воқеалар, Комфирка ва советларнинг аграр сиёсати ижобий баҳоланган, ҳаттоки ўзга мамлакатларга намуна, андоза қилиб тавсия этилган.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқининг турмуш тарзига, менталитетига, қалби ва онгига мутлақо сингмаган коллективлаштиришни зўрлик билан ўтказилиши партиянинг ленинча миллий сиёсати тантанаси, социализм қуришнинг қишлоқ хўжалигидаги ғалабаси сифатида ижобий баҳоланиб келинди. Совет тарихшунослигининг бундай мақтовлари юқорида таъкидланган академик Р.Х.Аминованинг асарларида, Р.Т.Шамсутдиновнинг монографик тадқиқотларида, унинг шогирдлари М.Ғ.Абдуллаев, А.Мамажонов, Б.М.Расулов, Н. Худоевларнинг мақола, диссертацияларида танқид остига олинган, совет тарихшунослиги танқидий таҳлил қилиб берилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Шамсутдинов Рустамбек Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё Республикалари мисолида). Тошкент: Шарқ, 2003. -Б.213, 215, 301, 308; Шамсутдинов Р.Т., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. -Т.: Шарқ, 2005; Абдуллаев М. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1929-1945йиллар). номзодлик дисс. автореферати. -Т. 2002; Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. номзодлик дисс. автореферат. Андижон, 2005. ва бошқалар.

Асарда В.Н.Земсков билан Н.А.Ивницкийнинг юқорида зикр этилган асарлари бутун собиқ Иттифоқ бўйича коллективлаштириш билан боғлиқ кулоқлаштириш, кулоқ хўжаликларни сургун қилиниши, уларнинг махсус кўчкнди, махсус кўчирилганлар, сургундагилар каби номлар билан аталган собиқ деҳқонларнинг аянчли, фожеали ҳаёти, тақдири масалалари ўзининг илмий ифодасини топган. Бу ҳар икки асарда Ўрта Осиё ва Қозоғистонга тегишли материаллар ҳам бор.

Монографияда Ўрта Осиё тарихшунослигида биринчи бор “кулоқлар” масаласидаги Комфирқа ва муҳолифатнинг талқинлари проф. Р.Шамсутдинов асарида қисқача бўлса-да акс эттирилгани, коллективлаштириш ва унинг фожеаларининг энг биринчи айбдорлари Ленин, ундан сўнг Сталин, Троцкийлар экани, муҳолифатда эса Зиновьев, Каменев, Рыков, Бухарин ва бошқаларнинг коллективлаштириш ва унинг оқибатлари ҳақидаги фикр-ғоялари, қўллаган амалиётлари шарҳлаб берилган.

Р.Т.Шамсутдиновнинг “Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун” номли монографик тадқиқотида Ўрта Осиё регионидаги коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва бу сиёсий кампанияларга қарши ҳаракатлар, қишлоқдаги инқилобий ҳаракатлар, аёллар кўзғолонлари, 1930-1932 йиллардаги “кулоқлар” сургуни, мухожирликдаги “кулоқлар”, Украинага, Шимолий Кавказга сургун қилинган юртдошларимиз ҳаёти, Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкалари, “кулоқлар”нинг она юртларига қайтиши масалалари кенг ва катта қўламда ёритилгани қайд этилган.

20-30 – йиллардаги қатағон, айниқса 1937-1938 йиллардаги Катта террорнинг асосий зарблари энг аввало “собиқ кулоқлар”га қаратилган эди. 20-30 – йилларда кулоққа тортилган, қамоққа ҳукм этилган, сургун қилинган “собиқ кулоқлар” 1937-1938 йилларда такроран қатағон этилган эди. Уларнинг бир қисми учлик қарорлари билан отилиб юборилган, яна бир қисми 8-10 йил муддат билан меҳнат тузатув лагерларига ҳукм этилганлар.

Китобда XX асрнинг 20-30 йиллари, 1937-1938 – йиллардаги “Катта террор”да қатағон қилинган, сургун қилинган юртдошлар имкон қадар номма-ном келтирилган, уларнинг қисмати ёритилган.

Асарда мустақиллик йилларида Қозоғистон тарихшунослигида ҳам мазкур мавзу бўйича янгича ёндашув, янгича талқинлар илгари сурилган бир канча тадқиқотлар нашр юзини кўрганлиги таъкидланиб Казибаев, Шеймарданов, Алексеенко, Абилхожин<sup>1</sup> каби

---

<sup>1</sup> История Казахстана с древнейших времён до наших дней. (очерк). Издательство «Dayir», Алматы, 1993, -С 307-311; История Казахстана. Пособие для студентов. Издательная группа «Казинтерграф», -Алматы, 18, -С 90-91; Казыбаев М.К. Алдажуманов К.С. Тоталитарный социализм: реальность и последствия. XX! Век.

мутахассис олимларнинг асарлари тилга олинган ва таҳлил қилинган. Бу асарларда коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва у билан боғлиқ сургуннинг фожеали оқибатлари очиб берилганди.

ГУЛАГнинг махсус кўчирилганлар бўйича Бўлимнинг маълумотига қараганда 1930-1931 йилларда Қозоғистон ҳудуди доирасида 6765 хўжалик депортация қилинган. Қозоғистоннинг ўзига эса фақат 1931 йили 12265 хўжалик қулоққа тортилганлар сургун қилиб келтирилган. Бу дегани камида 60-70 минг киши, жумладан қариялар, болалар, аёлларни қатағон қилингани эди.

Қозоғистонга 56 минг қулоқ хўжалиги сургун қилиб келтирилган. 1931 йил 6 июлида Ўрта Осиёдан Қозоғистонга 80 та оила кўчирилган бўлса, 1932 йил 1 сентябрига келиб камендатуралар ҳисоби бўйича 46031 оила, яъни 180015 махсус кўчкиндилар Қўйи ва Ўрта Волга, Марказий Қоратупроқ, Москва вилояти, Кавказорти ва Ўрта Осиёдан келтирилган эди. 1933 йили Қозоғистонга 55 мингдан зиёд киши сургун қилиниб келтирилган. Қозоғистон “Сибирь” сўзининг синоними бўлиб қолган эди.

Бу “қулоқ”ларнинг кўпи ўлимга маҳкум этилганди. ОГПУнинг маълумотига кўра 1932 ва 1933 йилларда Қозоғистон махсус посёлкаларида 55441 киши вафот қилган. 1933 йили Шимолий Қозоғистон сургунидагилардан ўлганлар туғилганларга нисбатан 19 баробар кўп бўлган. Жанубий Қозоғистонда эса бу кўрсаткич 13 мартани ташкил қилган.

---

Алматы, 1997, с 28; Насильственная коллективизация и голод в Казахстане. 1931-1933гг. Сборник документов и материалов. -Алматы, 1998. -С 262; Депортированные в Казахстан народы: время и судьбы. - Алматы: Арыс-Қазақстан, 1998. -С 412; Шеймерданова М Д. История Казахстана с древнейших времён до середине XX века. Учебное пособие. Часть II. Издание третье, переработанное и дополненное. -Алматы, 2000. -С 246; Абусентов М.Х., Абылхожин Ж.Б., Кляшторный С.Т., Масанов Н.Э., Султанов Т.И., Хазанов А.М. История Казахстана и Центральной Азии. Дайк-пресс. Алматы, 2001. -С 611; Масанов Н.Э., Абылхожин Ж.Б., Ерофеева И.В., Алексеенко А.Н., Баратова Г.С. История Казахстана народы и культуры. Дайк-пресс. -Алматы, 2001. -С 599; Абдакимов Абдижапар. История Казахстана (с древнейших времен до наших дней). Издание четвертое, переработанное и дополненное. -Алматы: Қазақстан, 2003. -С 490.



## **. Ўрта Осиёдан Қозоғистонга сургун қилинган қулоқлар масаласининг талқини**

Ушбу асарда сургун масаласи алоҳида бобда талқин қилинган бўлиб, унда сургун ва унинг механизми, сургун қилинган аҳоли миқдори, сургун жараёнидаги қаршиликлар каби масалалар илмий мушоҳада қилинган. Жумладан:

СССР Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети 1930 йил 4 февралда қулоқ хўжаликларни сургун қилиш ва жойлаштириш тўғрисида махфий йўриқнома қабул қилиб, уни жойларга қўллаш учун юборди.

Йўриқнома МИК ва ХКСнинг ёппасига коллективлаштириш районларида қишлоқ хўжалигини социалистик асосда ўзгартириш ва қулоқларга қарши кураш олиб бориш тўғрисидаги қарорига “Известия”нинг 2 феврал сонида газетаси саҳифаларида тушунча бериш тарзида ҳам эълон қилинганди. Бундай қўшимча тарзда мазкур йўриқнома ишлаб чиқилиб жойларга юборилган эди. Ўрта Осиёда ҳам ана шу қарор ва унга илова этилган Йўриқнома асосида коллективлаштириш, қулоққа тортиш ва сургун қилиш кампанияси ўтказилди. Йўриқноманинг I-бўлими қулоқларни сургун қилиш ва жойлаштириш деб номланган.<sup>1</sup>

Қулоқларнинг камбағал-ўртаҳол деҳқонларнинг айрим қатламларига бўлган таъсирига кескин барҳам бериш ва совет ҳокимияти ҳамда колхозлар олиб бораётган тадбирларга қулоқлар томонидан ҳар қандай аксилинқилобий қаршилик кўрсатишларни бостириш мақсадида, биринчидан қулоқ фаолларни, энг бойларни ва ярим помешчикларни СССР Иттифоқининг энг узоқ жойларига, ҳамда муайян ўлканинг узоқ районларига кўчириб юбориш ва иккинчидан қолган қулоқларни ўзлари яшаб турган районларда колхоз хўжаликлари, участкалари жойлашган ҳудудлардан ташқаридаги колхозларга жойлаштириш кўзда тутилди.

ССР Иттифоқининг узоқ жойларига қулоқларни келтириш ва жойлаштиришни ташкиллаш ОГПУ зиммасига юклатилганди. Муайян районларда қулоқларни узоқ районларга сургун қилиш вазифаси шу минтақадаги округ ва район ижроқўмларига топширилган. Кўчирилаётган, сургун қилинаётган ва жойлаштирилаётган қулоқ хўжаликлар миқдори мавжуд районлардаги қулоқ хўжаликларининг аниқ миқдоридан келиб чиқиб белгиланиши ва барча районлар бўйича мавжуд қулоқ хўжаликларини

---

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган юртдошлар қисмати –Т.: Шарқ, 2009.

тугатиш ўртача 3-5 фоиз атрофида бўлиши кўрсатилганди. Бундан мақсад ҳақиқий қулоқ хўжаликларга зарба бериш ва бу тадбирларни ўрта ҳол хўжаликларнинг қандайдир қисмига нисбатан қўлламаслик ҳақида огоҳлантириб қўйиш эди.

Сургун қилинаётган қулоқ хўжаликлари рўйхати колхозчилар ва батрак-камбағаллар йиғилишлари қарори асосида район ижроқўмлари томонидан тузилиши ва юқори органларнинг тегишли кўрсатмаси билан округ ижроия комитетлари томонидан тасдиқланган, қолган қулоқ хўжаликларни жойлаштириш тартиби округ ижроия комитетлари томонидан белгиланган.

Сургун қилинаётган қулоқлар оиласи аъзолари ўз хоҳишлари ёки райижроқўмларнинг розилиги билан аввалги район ёки округда вақтинча ёки доимий қолиши мумкин бўлган.

Қулоқлар буюмлари, мулкни мусодара қилиш тартиби ҳам йўриқномада белгилаб берилган:

1. Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқларнинг ишлаб чиқариш воситалари, от-улови, ҳайвони, хўжалик ва турар жойлари, ишлаб чиқариш ва савдо, озиқ-овқат, ем-ҳашак, уруғлик заҳиралари, уй буюмлари, шунингдек ихтиёрида мавжуд бўлган пул зўрлик, куч билан мусодара қилинган.

2. Қулоқлар мулкни мусодара қилишда улар уйида энг зарур ишлатиладиган буюмлари, янги жойда дастлабки вақтда ишлатиладиган оддий ишлаб чиқариш воситалари, минимал озиқ-овқат заҳиралари қолдирилган. Қулоқлардаги мавжуд пулни мусодара қилишда уларда минимал сумма, ҳар бир оила учун 500 сўмга яқин миқдорда пул қолдирилган, бу пул янги жойга келиб ўрнашишда зарурлиги кўрсатилган.

Муайян район ёки округда жойлаштирилган қулоқларга ва сургун қилинаётган қулоқларга уларга ажратилган янги участкаларда хўжалик юритиш учун минимал миқдорда зарур ишлаб чиқариш қуроллари қолдирилган.

Қулоқлардан омонат дафтарчалар ва давлат заёми облигациялари олиб қўйилиши ва сақлаб туриш учун тегишли молия органларига тилхат орқали берилиши кўзланган.

Қулоқлар мулкни мусодара қилиш район ижроия комитетларининг махсус вакиллари томонидан қишлоқ советлари, колхозчилар, батрак-камбағаллар гуруҳи ва батраққўм вакилларининг мажбурий иштирокларида ўтказиш кўзда тутилган.

Мусодарадан қўлга киритилган буюмларнинг аниқ рўйхатини олиш ва уни баҳолаш, мулкни сақлаш масъулияти қишлоқ советлари зиммасига юклатилиши назарда тутилган.

Мусодара қилинган ерлар ва мулкни олган колхозлар давлатга товар етказиб бериш учун тўласинча экин экишда фойдаланишлари шарт қилиб белгиланган.

Барча ижроқўмлардан кулоқ унсурлар томонидан мусодара қилинадиган мулкни йўқ қилиб юборишларини олдини олишга, мулкларни дарҳол қатъий ҳисобга олиш ва кулоқлардан тортиб олинган мулклардан тўғри фойдаланиш талаб қилинган. Йўриқномада кулоқ хўжаликларини жойлаштириш тартиби ҳам берилган.

1. Округ ижроия комитетлари кулоқларни жойлаштириладиган жойни аниқлаб беришлари, кулоқларни бошқариш учун махсус комитетлар ёки учликлар ёки махсус вакиллар ажратиб, уларни ижроия комитетлар томонидан тайинлаб, округ ижроия комитетлари тасдиғидан ўтказилган.

Жойлаштирилганлар зиммасига маълум ишлаб чиқариш вазифаси ҳамда давлат ва кооператив органларга товар маҳсулоти топширишлари шартлиги кўрсатилган.

2. Округ ижроия комитетларидан жойлаштириладиган кулоқлардан фойдаланиш тўғрисидаги масалани зудлик билан ишлаб чиқиб, улардан ишчи кучи сифатида қандай фойдаланиш, махсус меҳнат дружина ва колониясида, ўрмон кесишда, ўрмон барпо қилишда, қурилишда, йўл қурилишида, мелиоратив ишлар, ёғоч тайёрлаш каби бошқа ишларда ишлатиш режаларини тузишлари талаб қилинган.

Оиласида қизил аскар ва қизил армия қўмондонлик таркибида хизмат қилаётганлар бўлган кулоқларни сургун қилиш ва мулкни мусодара қилиш ман этилган.

Йўриқномада иттифокчи республикалар халқ комиссарликлари ва вилоят (ўлка), район ва қишлоқ ижроия комитетлари оммавий коллективлаштириш ишини куппа-қуруқ кулоқлаштиришдан иборат деб қарамасликлари, колхоз тузишни ўз ҳолича қўйиб, асосий эътиборни кулоққа тортишга қаратиш мумкин эмаслиги огоҳлантирилган.

Кулоқлар мулкни мусодара қилиш ва кулоқларни тугатиш ёппасига коллективлаштириш билан чамбарчас олиб борилиши, бунда камбағал-ўртаҳол ва батраклар оммасига суяниб иш кўришлик айтилган. Ўша йўриқномада камбағал-ўртаҳоллар оммасини чинакам ташкил қилиш фақат коллективлаштириш асосида олиб борилгандагина қўлланилган маъмурий чоралар, қишлоқни социалистик асосда ўзгартиш ва кулоқларни синф сифатида тугатишни рўёбга чиқишига имкон яратиши мумкинлиги уқтириб ўтилган.

Ўзбекистонда 1931 йилнинг ёзига келганда деҳқон хўжаликларининг 56,7 фоизи коллективлаштирилган бўлса, 1932 йилда бу кўрсаткич 74,9 фоизга яқин, 1933 йилда – 91,7 фоизни ва 1939 йилда эса 99,5 фоизни ташкил этди.

1931 йил 15 февралгача бўлган маълумотларга қараганда, республиканинг 45 туманидаги колхозларида 2648 бой, кулоқ сифатида ҳайдалган бўлса, 1932 йилда 3550 “кулоқ” колхозлардан ҳайдалган. Фақат 1930 йил 19 мартгача Ўзбекистондан II-тоифа

концлагерларга камаладиган “фаол кулоқлар”дан 1195 киши қамоққа олинди. Улар 1930-1933 йиллар мобайнида ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилликнинг училиги (Л.Н.Бельский, Бабкевич)нинг қарорлари билан отувга, концлагерларга, меҳнат тузатув лагерларига, махсус меҳнат посёлкаларига жазони ўташ учун ҳукм этилганлар.

Ўзига тўқ деҳқонларни кулоққа тортиш ва турли жазога ҳукм қилишдан советларнинг кутган бир қанча мақсад ва вазифалари бўлган.

Биринчидан, қишлоқдаги кулоқлар деб саналган баоброў деҳқон-хўжаликларни четлатиб ёппасига коллективлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш кўзланган. Чунки, ўша даврдаги колхозларга нисбатан бу деҳқонлар мустақкам хўжалик эгалари эди, уларда меҳнат унумдорлиги юқори ва иқтисодий кўрсаткичлари ҳам яхши эди.

Иккинчидан, кулоққа тортилганларни сургун қилиб юбориб қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга тўғридан-тўғри ёки зимдан қаршилик кўрсатаётган қишлоқдаги ўзига тўқ деҳқонларнинг чиқишларини, бостириб туришга эришиларди.

Учинчидан, мамалакатнинг узоқ ва шимол районларидаги бепоён ўзлаштирилмаган ерларни махсус колонизацияга айлантириш, бунда кулоққа тортилганлардан ўрмончиликда, ёғочсозликда, тоғ-конларида, кўмир конларида, темир йўл қурилишларида, балиқчиликда, ғаллачиликда, пахтачиликда, каналлар қазишда, чорвачиликда арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш кўзланган. Қулоқ қилинганларнинг бир қисмидан қишлоқ хўжалик учун янги ерларни очиб деҳқончиликни йўлга қўйишда фойдаланилган.

Қулоқ қилиш мамлакатнинг барча районларида, жумладан миллий ўлкаларда ҳам бир текисда амалга оширилган. Қулоққа тортиш ва уларни сургун қилиш деҳқонларга босим ўтказиш воситаси сифатида уларни эксплуатация қилиш ва сургун этиш билан кўрқитиб, колхозларга олиб кириш учун муҳим қурол эди. Жойлардан И.В.Сталин, В.М.Молотов ва Л.М. Кагановичга йўлланган хатларда “кўп ҳолатларда одамлар кулоқ қилинишни коллективлаштиришнинг стимули деб билмоқдалар”, деб ёзганлар. Нафақат кулоқларни, ҳатто ўртаҳол ва камбағал деҳқонларни ҳам кулоққа тортиш коллективлаштириш даражасини ошиб кетиши ва тезлашувини таъминлаган. Коллективлаштиришни ўтказиш тўғридан-тўғри кулоққа тортиш ва кулоқ қилинганларни сургун қилишга боғлиқ бўлиб қолган эди.

Ҳатто кулоқ қилиш ва коллективлаштиришни жадаллаштириш ташаббусқори бўлган ВКП(б) Марказий Комитети ҳам ўзининг 1930 йил 10 ва 14 мартдаги колхозчилик ҳаракатидаги қинғайишларга қарши кураш олиб бориш тўғрисидаги қарорларида бир қатор районларда, жумладан Ўрта Осиёда сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, кулоққа тортишни рўқач қилиб олиб мажбурлаш, зўрлаш билан колхозга киритилаётганлигини тан

олган эди. Бунинг натижасида “кулоқлар” каторига ўртаҳолларнинг катта қисми киритилган. Айрим районларда режадаги 3-5 фоиз ўрнига “кулоқ қилиш” 15 фоизгача етиб борган.

ГПУ изқуварлари, агентлари орқали қишлоқдаги аҳоли ҳолатини билиб, кулоқ қилиниши лозим бўлганлар тўғрисида ҳар хил хуфёна материаллар, маълумотлар тўплаш билан шуғулланганлар. Ана шу тўпланган материал, маълумотларга асосланиб ГПУчи у ёки бу хўжаликни кулоққа тортганлар. Ўша агентура хуфёна материалларида қишлоқдаги деҳқонларнинг, колхозчиларнинг фикр ва ғоялари, қарашлари ҳам акс этган. Андижон округининг Асака, Норин, Шаҳрихон, Қўрғонтепа районларида фақат 1932 йилнинг ўзида 888 кишига хуфёна агентура маълумотнома, яъни кулоқ қилинганларнинг шахсий карточкаси, кулоқ қилиш тўғрисидаги баённомалар тайёрлаб қўйилган ва ўшаларга асосланиб жойларда деҳқон хўжаликлари кулоққа тортилган. Ана шу хуфёна номлардан баъзилари мана булар: “Олма”, “Тўлқин”, “Акмал”, “Гул”, “Майдон”, “Ҳайдам”, “Трактор”, “Тол”, “Жума”, “Манжар”, “Булат”, “Оқ”, “Жилға”, “Ина”, “Искабтопар”, “Чўқмоқ”, “Отахон”, “Қўрғончи”, “Ёш қалам”, “Ғўза”, “Игор”, “Зокир”, “Изғувчи”, Қизил, “Бомба”, “Ўртоқ”, “Тутун”, “Учкун”, “Деҳқон”, “Умрзоқов”, “Ҳайдар”, “Холдор”, “Эшон”, “Нишон”, “Пахтабоев”, “Хадра”, “Юлдуз”, “Қалам”, “Йўловчи”, “Раҳбар”, “Чорпоя”, “Хужум”, “Қозоқ”, “Дафтар”, “Нурмат”, “Реконструктор”, “Қосимов”, “Рўзи”, “Пиёз”, “Қувват”, “Мавхум”, “Махзум”, “Бедона”, “Лочин”, “Билдириш”, “Ўчмоқ”, “Азим”, “Бугдой”, “Тулматов”, “Назармат”, “Комсомол”, “Инқилоб”, “Полвон”, “Каримов”, “Чой”, “Кетмон”, “Кози”, “Чилим”, “Табак”, “Рабочий”, “Қорақўз”, “Исак”, “Камбағал”, “Сабоҳ”, “Чоп”, “Озод”, “Ботир”<sup>1</sup>.

Шу даврда Ўрта Осиёдан 5255 деҳқон, яъни ОГПУ учликларидан ўтганларнинг 2,9 фоизи қамоққа ҳукм ҳукм қилинган. 1930 йил 31 январдан 16 февралгача ОГПУ органлари томонидан Ўрта Осиё бўйича яқка тартибда 162 киши қамоққа олинган, шундан 65 нафари бой, кулоқ, 33 нафари ўрта ҳол, 31 нафари камбағал бўлган.

1930 йил 20 февралдан 15 мартгача бўлган даврда Ўрта Осиёдан 1300 кулоқлар фаоллари (Ўзбекистондан 1000, Туркменистондан 200, Қирғизистондан 100) концлагерларга олинган.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 5 февралдаги қарори билан ёппасига коллективлаштирилаётган районлардан энг ашаддий кулоқ унсурларни изоляция қилиш

---

<sup>1</sup> АВИБА. Списки раскулаченных кулаков по Зеленскому району.

учун Ўзбекистондан 2000 кишини, Туркменистондан 250 кишини ва Қирғизистондан 250 кишини концлагерлар қамоғига олишга қарор қилган.

Жойларда кулоқ қилинганларни қамоққа олиш кенг тус олди. Бухоро округи бўйича 1930 йил 1 февралдан 17 мартгача 156 киши қамоққа олинган. Шундан 67 нафари бой, 5 нафари мулла, 63 нафари ўртаҳол, 17 нафари камбағал, 4 нафари аниқланмагани қайд этилган.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида ташкил бўлган Давлат Сиёсий Бошқармаси (ГПУ) қишлоқда колхозлаштириш, кулоққа тортиш, маъмурий чора кўриш, сургун қилиш, судга бериш, мулкдорлар мулкани мусодара қилиш, ижтимоий хавфли унсурларни қамаш каби масалаларда яккабошчилик қилишга, совет, партия ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳисоблашмай, уларнинг фикрига кулоқ осмай, ҳатто уларни эътироф этмай ўз ҳолича иш кўришга журъат қилганлар. Бунинг сабабларидан бири марказий ОГПУ раҳбариятининг Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистон раҳбариятининг ваколатини, мақомини менсимай иш тутиши, марказчиликка, буйруқбозликка муккасидан кетгани бўлса керак. Ахир, улар Ўрта Осиё республикаларидаги ГПУ ва унинг ходимларининг иззат-нафсониятларини биринчи ўринга қўйиб иш кўрганлар.

Асарда Ўрта Осиёдан ижтимоий хавфли унсур, ер-сув ислохотининг душмани, кулоқ сифатида Қозоғистонга сургун қилиш ҳали кулоқларни синф сифатида тугатишга ўтилмаган, ёппасига коллективлаштириш сари йўл тутилмаган, 1926-1927 йилларда ўтказилган ер-сув ислохоти давридаёқ бошланиб 1945 йилгача давом этганлиги ва бу жараён уч босқичда кечганлиги таъкидланган. Биринчи босқич 1927-1932 йилларни, иккинчи босқич 1933-1941 йилларни, учинчи босқич 1941-1945 йилларни ўз ичига олади.

### **3. Махсус посёлкалардаги Ўрта Осиёлик собиқ кулоқлар турмуши ва меҳнат фаолияти ҳақидаги мушоҳадаларнинг асарда акс эттирилиши.**

СССР Халқ Комиссарлар Совети 1930 йил 7 апрелдаги қарори билан “Меҳнат тузатув лагерлари (МТЛ) тўғрисида Низом”ни тасдиқлайди. Бу билан бюрократик ва буйруқбозлик усули билан бошқаришнинг яққол механизмларидан бири ишга тушган. Унинг мақсади, мамлакатдаги асоссиз қатағон қилинганлардан арзон, ҳатто текин ишчи кучи сифатида ижтимоий-сиёсий ва халқ хўжалигида фойдаланишдан иборат бўлган. Энг муҳими совет ружимини мустаҳкамлаш, унинг сиёсий, иқтисодий асосини кучайтириш

мақсад қилиб қўйилган эди. 1923 йилда СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқарма (ОГПУ) асосланган.

Меҳнат тузатув лагерларини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш ОГПУга топширилган. Айни унинг куч-ғайрати билан алоҳида аҳамиятга эга бўлган Соловецкий лагери (СЛОН) ташкил бўлган эди. Бу жазо маскани ГУЛАГнинг бўлажак филиаллари тимсоли эди. Шимолда, Уралда, Узоқ Шарқда ва Ўрта Осиёда лагерлар ташкил этиш кўзда тутилди.

1930-1931 йиллар давомида бирин-кетин Беломор-Болтиқ, Темник, Қарағанда, Вишерский ва Узоқ Шарқ лагерлари ташкил топган. Уларнинг ҳар бири аниқ хўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун ташкиллаш-тирилганди. Масалан, Беломор-Болтиқ лагери канал қуриш, Темников лагери ёғоч-тахта тайёрлаш, Қарағанда лагери қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш, Вирешевский лагери целлюлоза-қоғоз комбинати қуриш, темир йўл қуриш билан шуғулланганлар. Кейинги йиларда улар сафи Дмитров, Сибир, Узоқ Шарқ, Свир ва бошқа лагерлар билан тўлдирилди. Бундай лагерларнинг миқдори 63 тага етиб, улардаги маҳбуслар 2 139535 кишига етган. Улар орасида Қарағанда меҳнат тузатув лагери муҳим аҳамиятга эга эди, - деб таърифланади асарда.

Унинг тарихи 1930 йилдан бошланган. 1930 йил 13 майда СССР ХКС Ер ишлари халқ комиссарлиги ва Қозоғистон лагерлар Бошқармаси хулосасига асосланиб, Акмолинск ва Каракалинск округларидан 110000 га ер майдони ажратиб беришга қарор қилган. 1931 йил 19 декабрдан ОГПУнинг Қарағандада алоҳида меҳнат тузатув лагери ташкил бўлди. Ва у бевосита ГУЛАГга бўйсунган. Лагер бошқармаси Долинское қишлоғида жойлашганди.

“Катта террор” авжига минган 1937 йил 1 октябрдаги маълумотнинг 2-қисмида Қарағанда лагеридаги маҳбуслардан 854 киши ўзбек, 120 киши қирғиз, 71 киши тожик, 209 киши туркман эканлиги қайд этилган.

Номерланган посёлкалар ва уларнинг ҳозирги рўйхати:

| Т/Р | Точкалар номлари | Қишлоқлар номи | Районлар  | Қишлоқ округи  | Изоҳ |
|-----|------------------|----------------|-----------|----------------|------|
| 1   | 10               | Каменка        | Астрахан  | Каменка        |      |
| 2   | 11               | Камишенка      | Астрахан  | Камишенский    |      |
| 3   | 12               | Первомайск     | Астрахан  | Первомайский   |      |
| 4   | 13               | Лозовое        | Астрахан  | Первомайский   |      |
| 5   | 14               | Пришимка       | Астрахан  | Новочеркасский |      |
| 6   | 19               | Андреевка      | Шортандин | Андреевский    |      |

|    |    |             |              |               |  |
|----|----|-------------|--------------|---------------|--|
| 7  | 22 | Петровка    | Шортандин    | Андреевский   |  |
| 8  | 26 | Малиновка   | Целиноградск | Малиновский   |  |
| 9  | 27 | Раздольное  | Целиноградск | Воздвиженский |  |
| 10 | 28 | Островное   | Целиноградск | Воздвиженский |  |
| 11 | 29 | Новоишимка  | Целиноградск | Новоишимский  |  |
| 12 | 30 | Садовое     | Целиноградск | Новоишимский  |  |
| 13 | 31 | Приозерное  | Целиноградск | Приозерный    |  |
| 14 | 33 | Жданово     | Шортандин    | Новокубанский |  |
| 15 | 34 | Новокубанка | Шортандин    | Новокубанский |  |
| 16 | 35 | Алексеевка  | Алексеевский | Район маркази |  |
| 17 | 37 | Пригородное | Шортандин    | Пригородный   |  |
| 18 | 39 | Подлесное   | Алексеевский |               |  |

Қозоғистонга махсус кўчирилганларнинг келиши 30-йилларда кучайган. Совет режими бутун-бутун халқларни оммавий сургун, депортация қилган. Фақат уруш йилларида Қозоғистонда турли маълумотларга кўра махсус кишлоқларда миллиондан ортиқ одам яшаган. Меҳнат учун кўчирилганлар ва махсус кўчирилганлардан ташқари комендатуралар ҳисобида сургун қилинган, маъмурий сургун этилганлар, масалан 38-точкада ва қисман 37-точкада турганлар. 20- йиллар охирида Қозоғистонга сургун қилинган кулоқ ва бой хўжаликлар учун асосий жой бўлиб қолган. Урушгача махсус кўчирилганлар билан бир қаторда уруш йилларида Қозоғистонга чеченлар, ингушлар, татарлар, балкарлар, греклар, молдаванлар, болгарлар сургун қилиб келтирилган.

Ўзбеклар аксарият шу 37-точкага жойлаштирилганлар, шу жойда 1949-50 – йилларгача ҳаёт кечириб, меҳнат қилиб, оғир азоб-уқубатли, жабрли кун кўрганлар. Туркманлар 31-точкада яшаганлар.

Шортандин районидаги ҳар бир точка ва кишлоқнинг “ўзининг” коменданти бўлган ва у катта ваколатга эга бўлган. Каттами, кичикми айби ёки интизомсизлиги учун меҳнат кўчкисиди ишини комендант судга оширган. Барча комендатуралар ҳузурида вақтинча маҳбус сақлайдиган хона бўлган. Айбланувчилар бу хонага суд ва терговсиз 3 кундан 7 кунгача муддат билан қамаб қўйилар, комендант ўз билганича иш тутарди. Район маркази Новокубанкада район турмаси бўлган. Турмада одамлар ярим йилдан икки йилгача қамоқ азобини тортганлар. Ҳатто меҳнат кунини бажармагани учун колхозчи колхоз аъзолигидан ҳайдалган ва икки йилдан 5 йилгача муддат билан сургун қилинган. 2 соат трактор ишлатилмай бекор тургани учун, ярим соат ишга кечиқиб келгани учун суд қилиниб 2 йилдан 5 йилгача сургун қилинган.



Меҳнат кўчиндиларига меҳнат куни учун натура ҳолда ҳақ тўлаш жорий этилган. 1942 йилга келиб натурал ҳақ тўлаш бироз кўпайган. Ҳар бир меҳнат кунига пул билан 71 тийин, 952 грамм буғдой, 5 кг картошка, 6 кг сабзавот, 327 грамм нўхат, 435 грамм писта (семечка), 30 грамм маҳорка тўланган. Айрим ҳолатларда меҳнат кўчиндиларга тегишли хужжат асосида 15 сўм аванс бериш мумкин бўлган. Бунда ҳисоб рақам очилиши турмушни бироз ўнглаш имконини берди. Ҳатто, оғир 1940 йилда меҳнат кунига 6 сўм 13 тийин пул, 490 грамм картошка, 600 грамм сабзавот, маҳорка ва пичан берилган. Натижада одамларда меҳнат қилиш учун стимул юзага келган. Ишлаётган 729 киши 2300 га ерга буғдой, 170 га ерга сабзавот эккан, 361 бош қорамолга, 118 бош отга, 678 бош қўйга, 78 бош чўчкага, 300 бош паррандага, 11 яшиқ асаларига қараганлар. Айни вақтда ўз томорқа участкасида меҳнат қилишган.

Ўрта Осиёдан Жанубий Қозоғистонга сургун қилинган қулоқларнинг аксарияти пахтачилик билан шуғулланганлар.

Кунлар, қаҳратон қиш, жазирама ёзлар ўтарди. Бу заминда қандай деҳқончилик қилиш ва сабзавот етиштиришни бирор кимса билмасди. “Шу боис, - деб ёзади А.Т.Парасюк, - 1935 йил баҳорида посёлкага корейслардан 12 оила ва ўзбеклардан 20 оила келтирилади ва улар огородда ишлай бошлайдилар. Огород бригадаларига бригадир қилиб корейс Чир Са Нала ва ўзбек Амиралли Кибала тайинланадилар. 98 гектарга картошка, 6 гектарга қарам, 8 гектарга бодринг, 20 гектарга помидор, 2 гектарга тарвуз экилган. Боғ яратганлар, унда олма, гилос, олча, қулупнай, малина, смородина, 1943 йилда олхўри экканлар. Шунга қарамай, артель аъзоларига 1935-1936 йиллари амалда ҳеч нарса берилмаган. Одамлар бригадаларда, баракларга берилган баланда билан овқатланишган. Тўйиб овқат емаганликдан одамлар ўларди. Шу йилларда посёлкага Ленинград вилоятидан 35 оила ҳамда сургун қилинганлардан 12 қозоқ оила, корейслар ва ўзбеклардан 32 оила келиб қўшилади. Бироқ 1936 йили қишлоқда 587 оила ўрнига 427 оила қолади, ҳалок бўлганлар 700 га яқин эди”.

Шимолий Қозоғистондаги махсус сургундагиларнинг иқтисодий аҳволи, турмуш шароити мислсиз даражада оғир ва ачинарлигини эътиборга олиб, ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г.Ягода СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.М.Молотовга маъруза билан мурожаат этиб, Қозоғистон АССР Қарағанда вилояти қишлоқ хўжалигида ер ўзлаштирувчи махсус сургунчилар 1932 йилдаги экинларнинг нобуд бўлишидан ҳозирга қадар ўзларига келолмаётганликларини асослаб берган. Шундан келиб чиқиб, СССР ХКСнинг 1931 йил 16 августдаги қарорида кўрсатилган махсус сургунчиларни 1934 йил 1 январгача бўлган солиқлар, йиғимлар ва тайёрловлардан озод қилиш ҳақидаги имтиёзини

1935 йил 1 январгача, яъни яна бир йил муддатга чўзиш зарурлиги масаласи ўртага қўйилган ва ҳукумат бу таклифни қабул қилишга мажбур бўлган эди. Лекин бу имтиёзлар ҳам аҳволни яхшилашга имкон бермаган.

Шимолий Қозоғистон сургунидаги кўплаб ўзбеклар аянчли шароитга бардош бера олмай ҳалок бўлганлар.

Қозоғистонда сургун муддатини ўташ ўрта осийлик собиқ қулоқлар учун ниҳоятда оғир кечган, уларнинг турмуши, ҳаёти фожеали бўлган, маълум қисми очарчиликдан, оғир касалликдан ўлиб кетган, баъзилари сургун азобидан кутулиш учун комендатураларни ҳам “доғда” қолдириб қочишга уринган, ушланиб олиб қамоққа ҳукм этилган. Сургундагиларнинг оғир меҳнати туфайли саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган, улар тоғ-кон саноатида, кўмир шахталарида тинка-мадорини қуриб меҳнат қилганлар. Масалан, Г.Г. Ягоданинг ВКП (б) Марказий комитети секретари И.В.Сталинга 1935 йил 25 февралдаги № 55492-сонли хатида Қарағанда- Балхаш темир йўл қурилишида ишчи кучи сифатида аксариат махсус кўчкндилардан фойдаланилаётгани, балки ишчи кучи етишмаётгани шу масалада Қозоғистон ўлка партия комитети Қарағанда лагеридан яна 1000 махбусни сафарбар қилиш зарурлигини сўрагани қайд этилган. Уларнинг меҳнати ва фаолияти билан совет режими мустаҳкамланган. Шунга қарамай уларнинг бир қисми яна такроран қатағон қилинган.

## ХУЛОСА

Ушбу монографияни ёритишда Қозоғистон Республикасининг турли архивларидан тўпланган материаллар асосий ўрин эгаллаган.

Бош прокуратура қошидаги ҳуқуқий статистика ва махсус учёт Комитети архивидаги СССР Ички ишлар министрлигининг 1955 йилдаги № 0026 – сонли буйруғига мувофиқ сургун қилинган ва жўнатиб юборилганларнинг йўқ қилинган архив шахсий ишларидан танлаб олинган картотекалар рўйхати, Республика вилоятлари Ички ишлар бошқармалари архивлари, Қозоғистон Республикаси Президенти Девони ҳузуридаги архивдан олинган ҳужжат ва материаллар, Оқмула вилоят давлат архивидаги “Номерланган посёлкалар ва уларнинг ҳозирги номлари рўйхати”, шунингдек, 31, 33, 35 ва 37- меҳнат посёлкаларидаги ҳужжатлари шулар жумласидандир. Бу ҳужжатларнинг муаллифлар томонидан илк бор илмий истеъмолга киритилиши монографиянинг қиммати ва қийматини янада оширган.

Ушбу китоб Шимолий Қозоғистонга сургун қилиш жараёни, механизми, сургун вақтидаги аҳолининг ижтимоий аҳволи, меҳнат посёлкаларидаги аҳолининг оғир ва азобли меҳнати, умумий жараён ҳақида ҳолисона қараш, илмий **ва** ҳаққоний баҳолаш билан аҳамиятлидир.

Ушбу тадқиқотнинг 2005 йилда нашр қилинган “Шимолий Кавказ сурғунидаги юртдошлар қисмати” (Р.Шамсутдинов, А.Мамажонов) номли монографияси билан бир қатор ўхшашлик ва фарқли томонлари мавжуд. Ўхшашлиги, ҳар иккала асар ҳам илмий экспедиция “меваси”, яъни муаллифларнинг “Мерос” жамғармаси ҳамкорлигида Шимолий Кавказ ва Шимолий Қозоғистон ўлкаларига бориб, у ердан турли материаллар, архив ҳужжатлари, маълумотлари, хотира ва эсдаликлар олиб келганлигида бўлса, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган юртдошларнинг қисматида фарқли жиҳатлан талайгина.

Жумладан, Шимолий Қозоғистоннинг табиий иқлим шароити нисбатан оғир, қиши жуда совуқ, изғирин, ёзи жазирама иссиқ, меҳнат қилиш учун ноқулай эди. Ери кўп, лекин ўзлаштирилмаган, сахро, дашт зоналаридан иборат бўлиб, меҳнат кўчкіндилари келтирилгунга қадар бу жойларда одамлар яшамаган, маҳаллий аҳоли ҳам бўлмаган. Шу боис кўчкіндиларнинг турар жой билан таъминлаш жуда оғир кечиб, бундай жойларни кўчкіндиларнинг ўзлари ташкил қилишган. Ўрта Осиё, Украина ва Шимолий Кавказда эса, аввал сургун қилинганлардан қолган уй-жойларга янги сургун қилинганлар келтирилган, уларнинг маълум катта қисми тайёр турар жой билан таъминланган.

Шунингдек, Ўрта Осиё, Украина ва Шимолий Кавказдаги меҳнат посёлкаларидаги меҳнат кўчкіндиларининг иш фаолиятида аксарият пахтачилик, қисман ғаллачилик асосий ўринни эгаллаган. Шимолий Қозоғистонда эса пахтачилик бўлмаган. Шу боис бу жойда сургундагилар ғаллачилик, полизчилик, саноат қурилишларида, кўмир конларида, тоғ-кон саноатида меҳнат қилганлар. Меҳнат кўчкіндилари устидан ўрнатилган интизом нисбатан ўта қаттиқ ва оғир бўлиб, деярли қамоқдаги маҳбуслар қисматидан фарқ қилмаган.

Ушбу китобни Олий ўқув юртлари талаблари, магистрант, аспирант ва тадқиқотчилар учун ҳам илмий, ҳам тарихий манба сифатида баҳолаш мумкин. Китоб, ватанимиз тарихида очилмаган яна бир янги саҳифани очиб беришга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7- жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
9. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001.
10. Шамсутдинов Р.Т. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. –Т.: Шарқ, 2001. 11. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). - Т.: Шарқ, 2003.
12. Шамсутдинов Р.Т., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. –Т.: Шарқ, 2005.
13. Шамсутдинов Р.Т., Акбарова М.Л. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати. –Т.: Шарқ, 2009.